

**ҚУЁНЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШНИНГ
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
ҚУЁНЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БҮЙИЧА**

ТАВСИЯНОМА

**(Фермер хўжалиги раҳбарлари, мутаҳассислар
ва шаҳсий томорқа хўжаликлари учун ён
дафтарча)**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ**

**Куёнларни парваришилашнинг инновацион
технологиялари ва қуёнчиликни ташкил
этиш бўйича**

ТАВСИЯНОМА

Андижон-2021 йил

Ушбу тавсиянома Қишлоқ хўжалик машиналари ва техник сервисни ташкил этиш кафедраси катта ўқитувчиси **О.Жавҳаров**, кафедра ассистенти **Х.Эсанов** ва СамВМИ Қорамолчилик, паррандачилик ва балиқчилик кафедраси доценти **Ш.Қ.Амировлар** томонидан тайёрланди.

Тавсиянома Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти илмий Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги 4-сонли йиғилишида тасдиқланган.

Мазкур амалий тавсиянома қишлоқ хўжалигига серпушт ва тез етилувчан қуён зотларини етиштириш ҳамда қуён гўшти ва қуён мўйналари ишлаб чиқаришни жадаллаштириш бўйича амалий тажрибалар, шунингдек, илғор фермер хўжаликлари фаолияти асосида тайёрланган.

Ушбу амалий тавсияномадан, қуёнчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ходимлари, мутахассислар ва шаҳсий томорқа хўжаликлари эгалари ва олий таълим муассасасида чорвачилик йўналишларида таълим олаётган талабалар фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар:

Д.Юлчиев – Қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғини озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича ўринбосари.

Ибрагимов Б.Б. – СамВМИ. “Ҳайвонлар генетикаси, селекцияси, урчишиш ва кўпайтириш” кафедраси ассистенти.

КИРИШ.

Қуён гүшти – фойдали ва парҳезбоп. Қуён гүшти таркибида ёғ ва холестерин моддаси камлиги боис аллергия, гипертония, ошқозоничак, меъда, ўт-пуфак, жигар хасталикларида даво бўлади. Гүшти инсон организмида тез ҳазм бўлади ва тўлақонли оқсил моддасига эҳтиёжи юкори бўлган мактабгача ёшдаги болалар, ўсмирлар, эмизикли аёллар, кекса ёшдагилар учун жуда фойдалидир.

Қуёнчилик чорвачиликнинг гүштга тез етилувчанлиги ва қиматбаҳо мўйна берувчи соҳалардан бири бўлиб, аҳолини парҳез қуён гүшти ва саноатни арzon тери маҳсулотлари билан қисқа муддатларда таъминлаш имкониятини беради.

Мазкур тавсияномадаги маслаҳатлар ва илмий тавсиялар аҳолини уй шароитида кенг миқёсда зотли қуёнларни парваришлашни яхшилаш, кўпайтириш ва улардан олинадиган иқтисодий самарани ҳамда парҳез озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтиришга қаратилган.

Күёңчилик хўжалигини ташкил қилишининг муҳим аҳамияти.

Күёңчилика кам маблағ сарфлаб, кўплаб парҳез гўшт, сифатли мўйнали тери, майин тивит каби маҳсулотлар етишириш мумкин. Сабаби қуёнлар тез етилувчан, серпушт ва маҳсулдор бўлади. Қуён гўшти парҳезбоп ҳисобланади ва қўй, эчки, қорамол гўштларига нисбатан анча енгил ҳазм бўлади. Унинг таркибида холестерин моддаси бузоқ гўштига қараганда 2,4 марта, товук гўшти билан таққослаганда 2,7 марта кам бўлиб, оқсилга жуда бойдир. Шунинг учун ҳам ёш болалар, кексалар ва юрак-қонтомир, жигар, ошқозон хасталиклари билан оғриган bemorларга кўпроқ қуён гўштидан истеъмол қилиш тавсия қилинади.

Ҳозир мамлакатимизда қуён боқарлар уй шароитида кўпроқ оқ великан, кулранг великан, оқ момик ва ангор зотли қуёнларни кўпайтиришмокда. Уларнинг момифидан тайёрланган ашёлар даволовчи хусусиятга эга бўлиб, неврология, радикулит билан касалланган bemorларга тавсия этилади. Қуён момифи иссиқни қўй жунидан 10 баробар кўпроқ саклаши аниқланган.

Андижон вилоятининг барча туманларидаги иқлим шароити қуёнчиликни ривожлантиришга мос келади, бундай иқлим шароитида қуёнлар яхши ривожланади ва касалликка кам чалинади ҳамда яхши даромад берадиган чорвачилик тармоғи ҳисобланади.

Қуёнчилик – чорвачилик тармоқлари ичida сердаромад соҳа бўлиб, аҳолини парҳезбоп гўшт, саноатни эса сифатли мўйна ва тивит билан таъминлайди. Қуён боқиш илмий асосда ташкил этилса, ҳар бир она қуёндан йилига (5-6 маротаба болалайди) 60-70 кг гўшт, 20-25 дона сифатли мўйна олиш мумкин.

Истеъмол қилинган 100 грамм қорамол гўштининг 62 фоизигина организмимизда



ҳазм бўлса, бу кўрсаткич қуён гўштида 90 фоизни ташкил этади. Олимларнинг маълумотига кўра, ҳайвонларнинг 100 г ёғи ва гўши таркибидаги холестерин миқдори қуийдагича: мол ёғида 1,25, кўй ёғида 1,40 г, бузоқ гўштида 0,11, қуён гўштида эса атига 0,4 г. ни ташкил этади.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти ва хўжалик ҳисоби шароитида 5 бош қуён ва 1 бош насили эркак қуёндан бир йилда 400 кг дан зиёдроқ парҳез гўшт етишириш ёхуд ҳар куни оила қозонига 1 кг дан зиёд гўшт тушиши мумкин. Қуён териси ҳам халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мўйначилик саноатида натура ҳолда, енгил чиройли аёллар палтоси (пўстин), жакет (нимча) лар, болалар пўстини, ёқаликлар, қулоқчинлар, телпаклар тайёрланса, атторлик маҳсулотларидан чармли енгил оёқ кийимлар, қўлқоп, сумкалар тайёрланади.

Қуёнларни сақлаш ва парваришлаш бўйича тавсиялар.

Уларни қафасларда сақлаш бошқа усуллардан кўра афзалроқдир. Чунки қафасларда сақланган қуёнлар касалликка кам учрайди ва микроиклим шароити яхшиланади.

Хозирги шароитда икки уяли, иккитадан қуёнга мүлжалланган қуёнхоналар қуриш самаралидир. Битта катакнинг майдони 0,5–0,7 м² дан кам бўлмаслиги керак. Икки уяли катакнинг узунлиги 2 м, полдан томигача бўлган баландлиги 50 см, эни 55 см бўлиб, ҳар иккала қуён учун озуқа солинадиган охур катакнинг ўртасида жойлашган, сув идишлар эса ҳар бир қуёнга алоҳида бўлиши керак.



Махсулдорликни ошириш учун қуёнларни гурухларга ажратиш ва уларни катакларга 4 тадан жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Айрим ҳолларда қуёнлар симтўрлар билан ўралган ерда боқилади.

Таъкидлаш жоизки, қуёнлар ўта иссиқлик, намлик ва кучли шамолни ёқтирмайди.


Фермер хўжаликлари шароитида қуёнларни атрофи дарахтлар билан ўралган жойларда саклаш яхши самара беради. Хонаки қуёнлар 5–12 йилгача яшайди. Уларни юкумли ва юкумсиз касалликлар, яъни совук ва қуёш уриши, юкумли стоматит, сил, лишай, пастериллиоз, кокцидиоз, фасцилёз ва бошқа касалликлардан ҳимоя қилишга жиддий эътибор бериш зарур.

Шахсий томорқа ва фермер хўжаликлирида қуёнларни қафасларда саклаш тавсия этилади. Бу наслни назорат қилишда, озуқани тежашда, касалликни даволаш ва олдини олишда қулайликлар яратади.



Қафасларнинг тури ва катталиги иқлимга, қуён зоти ва турига (йирик, ўртacha, кичик, зотдор, маҳсулдор, катта ёшли ва ёш) қараб

белгиланади. Катакларни тайёрлаётганда катта ёшдаги қуён учун бир хонали катаклар $0,5\text{-}0,7 \text{ м}^2$, икки хонали катаклар $0,84 \text{ м}^2$ кattаликда қилиб тайёрланади. Онасидан ажратиб олинган ёш қуёнлар гурухи учун үралган майдонча поли металл түрдан тайёрланган бўлса ҳар бир қуёнга $0,15\text{-}0,2 \text{ м}^2$ гача, яхлит тахтали бўлса $0,2\text{-}0,3 \text{ м}^2$ гача майдон тўғри келиши лозимлигини ҳисобга олиш керак.



Қафаслар иқлимий шароитга кўра очиқ ёки ёпиқ майдонда жойлаштирилади.

Қуён боқиш учун жой танлаётганда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

- Шамолнинг тезлиги секундига 30 сантиметрдан ошмаслиги;

- Ҳавонинг нисбий намлиги 60-75% бўлиши;
- Ёритилиш давомийлиги 9 соатдан кам ва 16 соатдан кўп бўлмаслиги;
- Ҳаводаги аммиак ва олtingугурт микдори мос равишда 0,01 г/л ва 0,15 г/л дан ошмаслиги лозим.

Куёнларни бир катакдан иккинчисига олиб ўтиш, урчиши, вазнини ўлчаш каби амалларни бажариш учун тез-тез қўлга олиб туришга тўғри келади. Бу амални эҳтиёткорона бажариш лозим. Акс ҳолда қуённи нафакат қўрқитиб юбориш, балки танасини шикастлаб, терисининг остини моматалоқ қилиб қўйиш, муҳим органларига жароҳат етказиш мумкин.

Куёнларни боқии технологияси ва айрим тавсиялар.

Куён жуда баднафс бўлиб, кундуз куни ҳам тунда ҳам ем еб тўймайди. Бунинг сабаби жуда тез вояга етиши ва тез-тез болалаб туришидир. Шу боис ҳам у турли-туман емларга эҳтиёж сезади.

Куёнлар озуқасига қўшимча тарзда суюк уни, картошка, сабзи, лавлаги, нўхат ҳамда макро элементларни қўшиб бериш мақсадга

мувофиқ. Концентрат озуқалар күён озукасининг асосий қисмини (70 %) ташкил қилади. Шунингдек, улар сули ва арпани хуш кўради.

Күёнларга арпа намланган ёки ширали озуқаларга аралаштирилган ҳолда берилади. Бўғоз қүёнларга алоҳида эътибор бериш зарур. Уларнинг рациони тинчлик давридагига нисбатан бўғозлигининг бошида 30 %, охирида эса 70 % кўпайтириш керак.

Күёнларни тез-тез суюк, гўшт ва балиқ уни, сут, ипак қурти ғумбаги билан озиқлантириш яхши самара беради. Она күёнларга бир кечакундузда 30–50 г ёғи олинган ёки олинмаган сигир сути берилади. Күёнларнинг маҳсулдорлиги кўп жихатдан уларни сақлаш шароитига боғлиқ.

Күёнга бериладиган асосий емлар жумласига:

- ❖ **Кўк ўтлар** (майса ва илдизмевалар палаги, карам барги, маккажўхори пояси ва барги);
- ❖ **Ширали озуқалар** (илдизмевалар, полиз ва боф маҳсулотларининг чиқиндилари, силос);
- ❖ **Дағал озуқалар** (пичан, сомон, шохновдалар);

- ❖ **Кучли бойитилган емлар** (арпа, сули, буғдой, маккажүхори, дуккакли ўсимликлар дони ва уларнинг чиқиндилари яъни: кепак, кунжара, тахта кунжара, омихта ем);
- ❖ **Гранулланган донадор емлар** (ўт уни, кунжара, дон чиқиндилари, гўшт-суюк ёки балиқ уни ва микроелементлар);
- ❖ **Минераллар** (туз, бўр, суюк уни) киради.

Дикқат! Қуёнга заҳарли гиёҳлар берилмайди!

Қуёнларнинг ўзига хос биологик хусусиятлари.

Хонаки қуёnlар йилига 5-6 марта гача бола туғиши қобилиятига эга бўлиб, ҳар сафар болалаганда 6-12 тагача кўзи юмуқ, танаси туксиз қуёнчаларни дунёга келтиради. Бундай қуён болалари танасида туғилганидан 3 кун ўтгандан кейин аста секин жун қоплами шаклланади ва 6-7 кундан бошлаб, уларнинг танаси тивит билан қопланиб боради, 10-14 кунлигига қуёнчаларнинг кўзи очилади ҳамда 17-20 кунликдан бошлаб мустақил юришни бошлайди.

Күёнларнинг бўғозлик даври ўртача 28-32 кунни ташкил қиласи. Күён болалари туғилган пайтда 30-120 граммгача тирик вазнга эга бўлади. Лекин туғилгандан кейин ниҳоятда тез ўсиб вояга етади. Натижада туғилган пайтдаги тирик вазнига нисбатан 6 кунлигига 2 марта, 10 кунлигига 3 марта, 20 кунлигига 6 марта, бир ойлигига 10 мартагача ўсиш қобилиятига эга. Шунингдек, күён болаларининг жадал ўсиш ривожланиш даври асосан 4-4,5 ойлигига кузатилади. Бу даврда уларнинг тирик вазни баъзан отаоналариникига яқин бўлиб қолади.

Талаб даражасида парвариш қилинган ва озиқлантирилган қуёнлар 2–2,5 ойлигига жинсий етилади. Шу даврдан бошлаб уларни алоҳида гуруҳларга ажратиб боқиш ташкил қилинади ва 4 ойлик ёшидан қочириб, бола олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ёш қуён болалари онасидан 45–60 кунлик пайтида ажратилади. Она күёнларнинг сут маҳсулдорлиги суткасида ўртача 100–180 граммни, баъзан эса 200–270 граммни ташкил қиласи.

Күёнларнинг тана ҳароратидан унумли фойдаланиши олимлар томонидан ўрганилган. Масалан, ҳаво ҳарорати 15–20°C бўлганда

танасидаги ортиқча иссиқликни чиқармасликка, ҳаво ҳарорати пасайганда эса истеъмол қилған озуқа энергиясининг маълум қисмини тана ҳароратини иситишга сарфлаши аниқланган. Күёнларда нафас олиш тезлиги ташқи муҳит ҳароратига боғлиқ бўлади. Масалан, нафас олиш тезлиги ҳаво ҳарорати пасайганда дақиқасига 50-60 мартани, ҳаво ҳарорати 35°C дан ошганда 280 – 285 мартани ташкил қиласиди.

Күёнларда ташқи муҳит таъсирига (иссиқлик, совуқ ҳаво ҳарорати, шамол, шовқин ва бошқаларга) бардошлилиги анча юқори даражада бўлади. Уй шароитида ҳам қуёнчиликни ташкил қилиб даромад кўриш мумкин. Масалан, 5–10 бош зотдор қуёнлардан йил давомида 400 кг. гўшт етиштириш мумкин.

Янги болалаган урғочи қуён 2-3 кундан сўнг жинсий майил билдириб, такрор уруғланиши мумкин.

Тулаш мобайнида қуён момиғи осон ажralади. Момиқ олиш учун мўлжалланган қуён зотини етиштирувчи қуёнбоқарлар жониворнинг ушбу хусусиятини билиши керак. Бундай зот момиқлари ҳар 2-2,5 ойда юлиб олинади.

Яхши боқилган тўрт ойлик қуён вазни 3-3,5 килограммга етади. Яъни, туғилгандаги вазнига нисбатан 60 баробар оғир бўлади.

Ёш қуёнчаларда копрофагия (ўз ахлатини истеъмол қилиш), одатда, 23-24 кун ўтгач, она сутидан ташқари бошқа емлар билан ҳам озиқлана бошлаганидан сўнг намоён бўлади. Копрофагия қуёнлар организми учун фойдали хисобланади.

Қуёнлар подасини дастлабки даврдан бошлаб шакллантиришда наслли эркак қуён ва подани тўлдириб борувчи ёш урғочи қуёнларни саралаш, боқиш, парваришлаш шароитларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, қуёнларда асаб тизими нозик бўлиб, хуркак бўлишини унутмаслик лозим. Чунки оддий шовқин-сурон ёки ўзига нотаниш нарсанинг тўсатдан пайдо бўлиб қолиши ҳомиласини тушишига, ўз боласини ғажиб ташлашига, болаларига жароҳат етказишига сабаб бўлади. Айниқса, янги болалаган ёки болалаш арафасида турган она қуёнлар ниҳоятда қўрқоқ ва асабий ҳолатда бўлади. Шунинг учун қуёнхона ичида ва унинг атрофида амалга ошириладиган кунлик ишларни эҳтиёткорлик билан бажариш керак

ҳамда қуёнхонага бегоналар киришини таъқиқлаш лозим.

Қуёнчилик хўжаликлари ташкил этиши учун тавсия этиладиган зотлари.

- ✓ Қуёнлар олинадиган махсулотга қараб З турга бўлинади: гўшт, гўшт-тери (мўйна) ва юнг олинадиган қуёнлар.
- ✓ Қуёнлар яна қуйидаги хусусиятлари бўйича ҳам турларга бўлинади:
- ✓ Юнг қопламасига кўра: қисқа юнгли, меъёрий юнгли (аксарият зотлар) ва узун юнгли (момиқли);
- ✓ Танасининг катталигига кўра: йирик, ўрта ва майда.

Совет шинишилласи. Йирик, гўшт-тери олиш учун яратилган. Бақувват жуссаси ва қалин



юнг қатлами билан фарқланиб туради. Ўртача тирик вазни 5 килограмм, айримлари эса 6-7 килограммгача етилади. Урғочи куён серпушт, сутлилик даражаси юқори бўлиб, 8-12 бошгача бола бокиб, улғайтиради. Баданидаги юнг қопламаси кумуш ва кумушмовий тусда бўлади.

Кулранг «Великан». Йирик, гўшт-тери маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун мўлжалланган. Гавдасининг узунлиги 51-65 сантиметргача етади, деярли юмалоқлашиб кетган, жуссаси бақувват. Кўк рагининг йўғонлиги 37-39 сантиметр, бели тўғри ва кенг. Оёқлари бақувват, қисқа, сермушак. Тирик вазни 5-8 килограммга етади. Юнг қопламасининг ранги 4 хил: сарғиш кулранг,



оч кулранг, тўқ кулранг ва қора бўлади. Урғочиси тез урчийди, ҳар болалаганида 10 бошгача бола беради.

Оқ момик. Ўртacha катталикда, қимматбаҳо юнг олишга ихтисослаштирилган. Вазни 3-4 (баъзан 4,5-5,0) килограммни ташкил этади. Танасининг узунлиги 54 сантиметр, кўкрагининг йўғонлиги 30-34 сантиметр келади. Йил давомида ҳар бир толасининг узунлиги 6-16 сантиметр келадиган, вазни 300-500 грамм, айримлари 700 граммгacha оппоқ момик (юнг) беради.



Оқ «Великан». Бу зот гўшт-тери олишга ихтисослаштирилган. Танасининг узунлиги 60-67 сантиметрни ташкил этади. Ўртacha

тирик вазни 5 килограммга етади. Ўз вақтида ва сифатли шилиб олинган тери олий навга қабул қилинади. Оқ великан, одатда, албинос бўлиб қизил кўзлари билан фарққилиб туради.



Қуёнларни жинсини аниқлаш.

Ташқи кўринишига қараб қуёнлар жинсини аниқлашнинг имкони йўқ. Уларнинг жинсини аниқлаш учун чап кўл билан қуённинг елка ва кўкрак умуртқаси ҳудуди терисидан ушлаб, қорни юқорига қилиб ётқизилади ва ўнг кўл кўрсаткич бармоғи билан думи илдиз қисмидан қаттиқ қисилиб, бош бармоқ билан жинсий аъзолар олди териси бош томонга тортилади. Вояга етган

эркак қуёнларнинг жинсий аъзоси озгина пастга букилган бўлади, ёшларида думалоқ чиқариш тешиги озгина бўртиб чиқкан бўлади. Урғочи қуёнларда жинсий аъзоси дум йўналишида чўзилган бўлади.

Куёнхоналарни қуришда талаб этиладиган санитария чора-тадбирлари.

Куёнхона ва катакларни йиғилиб қолган тезак, ём қолдиқлари ва тўшамалардан муттасил тозалаб бориш лозим.

Йилда икки маротаба, айниқса ёғингарчилик кўп бўладиган ойларда (куз ва баҳор фаслларида), шунингдек, хўжаликда юқумли касаллик вужудга келганида дезинфекцияланади.

Дезинфекция воситаларини тайёрлаш усуслари:

- 1). 2% ли формалин - 1 стакан формалин 1 чelак совук сувда эритилади.
- 2). 2% ли ўткир натрий - 200 гр модда 1 чelак иссиқ сувда эритилади.
- 3). Каустик (ўткир) сода - 200 гр сода 1 чelак иссиқ сувда эритилади.
(санаб ўтилган дезинфекция воситаларининг 1 литри пол ва деворларнинг 1 m^2 қисмига сарфланади)

4). Кул суви (ишқорли сув) - 2 кг ёғоч кули 1 чалак иссик сувда эритилади. Ушбу эритма 2 соат қайнатилғач тиндирилади, ушбу сув 4 чалак сувда аралаштирилади ва такрор қайнатилади ҳамда қайнок ҳолатида құлланилади.

5). Хлорли охакнинг 1, 2 ва 5 % ли эритмаси - ёғоч анжомлар, катакларнинг ёғоч қисмлари ва ҳудудни дезинфекциялаш учун құлланилади.

6). Иситилған эритмалар ($50-60^{\circ}\text{C}$) совук ҳолатига нисбатан самаралироқдир.

Шахсий хұжаликларда қуёнхона, асбобускуна ва катакларга оловли ишлов беріш усули ЭНГ сода ва самарали усул саналади. Бунинг учун оддий пайвандлаш лампаси ёки газ горелкаси құлланилади. Катакнинг астойдил тозаланган ёғочларига оч қүнғир тус олганга қадар олов воситасида ишлов берилади.

Кемирувчиларнинг пайдо бўлишини олдини олиш мақсадида ёввойи ўтларни ўзвақтида ўтаб ташлаш, қуёнхона атрофидаги буталарни сийраклаштириш ва дератизация тадбирларини ўтказиш лозим.

Ёдда тулинг! Қуёнхона ичи ва яқинида тамаки чекманг!

Күён сотиб олишида қуидагиларга эътибор бериш зарур:

куённи дастлаб харид қилаётганда уни ёши 2-3 ойликка тўлган бўлиши ва албатта малакали мутахассис иштирокида сотиб олиш мақсадга мувофиқдир;

- сотиб олинган күённинг озиқлантириш шароити, боқиши усули ва тартиби, рацион таркиби кескин ўзгартирилишига йўл қўйилмайди;

- насл учун харид қилинадиган эркак күённинг танаси йирик, урчитиладиган урғочи күёnlарга нисбатан ёши 2-3 ойга катта бўлиши керак ҳамда урчитиладиган урғочи күёnlар билан бир хил зотга мансуб бўлиши керак, аммо улар билан қариндош бўлмаслиги шарт;

- Күён зотдору, фақат яхши емланмаган деб ишонтиришга ҳарчанд уринсалар ҳам ланж ва озғин күённи харид қилманг. Соғлом күён ҳеч қачон озғин бўлмайди;

- тумшуқчаси ҳўлланиб турган, қулоғининг чаноқлари тоза бўлмаган, думининг таги ифлосланган, ташқи кўриниши заиф, шалвираб турган күёnlарни сотиб олиш ярамайди;

- соғлом күённи бўйнидан ушлаб кўтарганда эластик пружинага ўхшаб туриши керак, чунки носоғлом ва заиф күён шалвираб, шалпайиб туради;
- соғлом күённинг кўзлари равshan, тетик, жонли, қовоқлари шишмаган, танасидаги юнг қоплами силлик ҳамда ялтироқ бўлади;
- қүённи харид қилаётганда жинсий органининг ташқи кўринишига, унинг ҳолатига эътибор бериш зарур. Жинсий органининг шакли ўзгарган, ҳар хил тошмалар тошган ва бошқа нуқсонлари бўлган күённи сотиб олманг;
- агар қүён оёқ туклари кафти ичига ёпишиб турган бўлса, бу унинг юқумли касалликка дучор бўлганлигидан далолат беради;
- қүён харид қилишдан олдин қайси мақсадлар учун боқиб кўпайтиришни олдиндан белгилаб олиш лозим, иқлим шароитига чидамлилигини билиш ҳам мухим ҳисобланади;
- қүёнлар сақланадиган бино санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган, етарлича шамоллатиш имкониятларига ва зарурий жиҳозлар билан таъминланган ҳамда олдиндан қүёнлар подасини қабул қилишга тайёрланган бўлиши зарур.

Ёдингизда бўлсин! Соғлом қуён озғин бўлмайди!

ЖУДА МУҲИМ!

Қуённи қулоғидан ушлаб олиб юриш мумкин эмас. Бунда унинг жони оғрибина қолмай, хаётига ҳам хавф туғилади. Гап шундаки, қулоғидан ушланиб тик осилиб турган фурсатда қуённинг кўкрак-курсоқ пардаси ички органлар босимига бардош бераолмайди. Қорин бўшлиғидаги органлар кўкрак-курсоқ пардасини таранг тортиб, ҳаракатсизлантириб қўяди. Бу эса, ўз навбатида, қуённинг диафрагмали нафас олиш жараёнини издан чикаради. Натижада қўлингизда осилиб, нафас олиши қийинлашган қуён ҳалок бўлади. Айни шу сабабга кўра қуённи боши билан ерга қарата осилтириш ҳам ярамайди.

Бундан ташқари осилиб турган қуён жони оғриганлиги боис қаттиқ қаршилик кўрсатиб, ўзининг пайлари ва мушакларини узиб юбориши мумкин. Қуёнчани бел усти терисидан тутиб ташиш лозим. Шундай қилинганида у кўпроқ горизонтал ҳолатда бўлиб, қўлингизни тимдалай олмайди. Катта қуённи бўйин ва яғринидаги тери бурмасидан

тутиб ташиш мақсадга мувофиқдир. Айни пайтда унинг бўйни ва боши бир оз ортга тортилиб, кафтиңгизга тиради. Қуённи кўтарган кишининг қўли қуён умуртқасига параллел, иккинчи қўли эса думғазаси остидан суюб борилмоғи лозим.

Қуёнларни катакдан-катакка ўрнини алмаштириш, тирик вазнини ўлчаш каби бир қатор тадбирлар қўлда бажарилади. Бундай амалларни бажаришда эҳтиётсизликка йўл қўйилса, уларнинг танаси жароҳатланиши, баъзи органлари шикастланиши, тери остини моматалоқ қилиб қўйиш мумкин.

Катта ёшдаги қуёнларни бўйин ва яғрин қисмидаги тери бурмаларидан ушлаш, ёш қуёнларни эса горизонтал ҳолатда бел усти терисидан ушлаб бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мақсадга мувофиқ саналади. Қуённи кўтарганда унинг бўйни ва боши бир оз орқага тортилиб турилади ҳамда қўлга параллел ҳолатда бўлиши, иккинчи қўл билан эса думғазаси остидан бир оз суюб турилиши зарур. Шундай қилинганда, қўлга ҳам жароҳат етказмайди.

Юқорида таъкидланганлардан кўриниб турибдики, қуёнчилик билан шуғулланганлар, нафақат ундан гўшт маҳсулотлари

етиштиришда, балки унинг териси ва жунидан саноатда кенг фойдаланиш имконига эга бўлади.

Мухтасар айтганда, фермер хўжаликлари, шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси хонадонлари, мактаблар, академик лецейларда қуёнчиликни ривожлантириш, республикамиз аҳолисини чорвачилик маҳсулотлари, жумладан, қуён гўшти, мўйнаси, тивити билан етарлича таъминлаш имконини беради.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Балашов И.Е. Мясошкуровқе кролики.
Москва, 2014.
- 2.Бодур И., Кривчанский И. "Кролиководство"
Тошкент, 1988 йил.
- 3.Ибрагимов Б.Б ва бошқалар. Фермер ва
шахсий хўжаликларда қуёнларни урчиши,
озиклантириш ва саклаш бўйича тавсиянома.
Самарқанд, 2020.
- 4.Икромов Т. Ўзбекистонда қуёнчиликнинг
ривожланиши. Тошкент. 1985
- 5.Коршунов С.С . Наставление по племенной
работе на кролиководических фермах.
Москва, 1988 йил
- 6.Кушоков Ж.. "Қуёнчилик" Тошкент. 1994
- 7.Плотников В.Г. "Кролиководство" Белгород
1984 йил
- 8.Помитко В.И., Деваева Г.М. и др. Пушное
звероводство и кролиководство. Москва. 1982
- 9.Минина И.С., Леонтьев С.В., “Как разводить
кроликов”, Москва., 1981.
- 10.Снегов А. Самқий полнқий справочник
кроликовода Москва , 2016.
- 11.Сысоев В.С., Александров В.И. -
"Кролиководство" М, 1985
- 12.Шеелье Р., и др. "Откорм кроликов"
Москва Колос 1979

МУНДАРИЖА

КИРИШ

Кириш	5
Қуёнчиликни ташкил қилишнинг муҳим аҳамияти	6
Қуёнларни сақлаш ва парваришилаш бўйича тавсиялар	8
Қуёнларни боқиши технологияси ва айрим тавсиялар	12
Қуёнларнинг ўзига хос биологик хусусиятлари	14
Қуёнчилик хўжаликларини ташкил этиш учун тавсия этиладиган зотлари	18
Қуёнларни жинсини аниқлаш	21
Қуёнхоналарни қуришда талаб этиладиган санитария чора-тадбирлари	22
Қуён сотиб олишда қуйидагиларга эътибор бериш зарур	24
Жуда муҳим	26

